

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ кафедраси

Мусаев Иқболжоннинг

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИДА ДАСТЛАБКИ УРБАНИЗАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИ**

Бажарди:

2 “В” гуруҳ талабаси Мусаев Иқбол

Қабул қилди:

кат.ўқ.: Н. Худоёров

АНДИЖОН- 2013

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....

1. Урбанизация жараёнлари хақида умумий тушунча.....
2. Жанубий Ўзбекистонда шаҳарсозлик анъаналарининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.....
3. Фарғона водийсидаги илк шаҳарсозлик маданияти.....
4. Сўғдиёна ва Хоразмда илк темир даври шаҳарсозлиги.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Кириш

Ўрта Осиё цивилизацияси жаҳон тарихи тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, минтақа илк шаҳарлари Қадимги Шарқнинг маданий, иқтисодий ва сиёсий шаҳар марказлари билан узвий алоқада ўзига хос йўналишда тараққий этган. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳарсозлик ва давлатчилик жараёнлари ҳам Қадимги Шарқ цивилизациясининг муҳим бўғинини ташкил этган. Ўрта Осиё ҳудудларида энг қадимги даврлардан бошлаб турли тарихий-маданий жараёнлар тараққий топган. Минтақа қулай географик жойлашувга эга бўлиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини иқтисодий ва маданий алоқалар тизимида бир-бирига боғлаб турган.

Урбанизация жараёнларини тадқиқ этиш жаҳон тарихи фанининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Қадимги шаҳар маданияти заминида ўзбек давлатчилигининг асосий омиллари ва пойдевори ётади. Шаҳарсозлик ва давлатчилик тарихи масалаларини ўрганиш зарурияти Республика Президенти И.А.Каримов томонидан махсус таъкидлаб ўтилди¹.

Ўлкамиз тарихининг ажралмас ва муҳим қисми бўлган шаҳарлар тарихини ўрганиш ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, ўлкамиз ҳудудларида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши, бу жараённинг асосий омил ва сабаблари ҳамда тараққиёт босқичларини таҳлил этиб, Ватан тарихини ўрганишга жорий этиш долзарб масала бўлиши билан бирга мунозарали ва қизиқарли мавзу ҳисобланади. Чунки, урбанизация жараёни, биринчидан, умумий ижтимоий қонуниятларни ўзида акс эттирса, иккинчидан, бу жараённинг ўзи шу қонуниятларни кучайтирувчи ва мустаҳкамловчи таъсир ўтказади. Бу жараён умумий кўринишда уч босқичга бўлиниши мумкин. Биринчи босқичда йирик марказларда маданий ва иқтисодий омиллар тўпланса, иккинчи босқичда қишлоқ аҳолисининг шаҳар маданиятига қўшилиши бўлиб ўтади. Учинчи босқичда эса бир – бирдан узоқ бўлган шаҳар ва қишлоқ бош марказлар фаолиятида ажралмас таркибий бўғинга айланади. Ушбу жиҳатларни ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Шунга асосий эътибор бериши лозимки, Ўрта Осиё урбанизацияси асрлар давомида жаҳон цивилизацияси тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Қадимги дунёнинг машҳур шаҳарсозлик маданияти марказлари қатори Ўрта Осиё қадимги шаҳарлари ҳам

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т. “Шарқ”, 1998.

дастлабки пайтдаёқ жаҳон маданият, иқтисодий ва сиёсий марказлари билан узвий алоқада ўзига хос йўналишда тараққий этди. Ўзбекистон цивилизациясининг асосини ташкил этган ўтроқ деҳқончилик маданияти, илк шаҳарсозлик ва давлатчилик жараёнлари нафақат Ўрта Осиё, балки қадимги Шарқ цивилизациясининг ҳам марказий бўғинини ташкил этган. Бинобарин, Ўрта Осиё жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири ҳисобланиб, бу ҳудудларда энг қадимги даврлардан бошлаб турли муҳим тарихий – маданий жараёнлар бўлиб ўтганки, бу жараёнларни ўрганиш ва таҳлил этиш ҳам муҳимдир.

Ўзбек халқи тарихи, ўзбек давлатчилиги тарихи, маданий ҳаётининг ривожланиши шаҳарлар тарихи билан узвий боғлиқдир. Сўнгги йилларда турли шаҳарларнинг юбилейлари муносабати билан ўтказилган махсус илмий тадқиқотлар ва олимларимизнинг чет эллик ҳамкасблари билан ҳамкорликдаги ишлари Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири эканлигини исботламоқда. Ушбу цивилизация тизимида илк шаҳарсозлик маданияти ва унинг давлатчилик тараққиётидаги аҳамияти бекиёсдир. Зеро, ушбу жараёнларни ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Ўрта Осиё цивилизацияси жаҳон тарихи тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, минтақа илк шаҳарлари Қадимги Шарқнинг маданий, иқтисодий ва сиёсий шаҳар марказлари билан узвий алоқада ўзига хос йўналишда тараққий этган. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳарсозлик ва давлатчилик жараёнлари ҳам Қадимги Шарқ цивилизациясининг муҳим бўғинини ташкил этган. Ўрта Осиё ҳудудларида энг қадимги даврлардан бошлаб турли тарихий-маданий жараёнлар тараққий топган. Минтақа қулай географик жойлашувга эга бўлиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини иқтисодий ва маданий алоқалар тизимида бир-бирига боғлаб турган. Юртимизда илк шаҳарсозлик асосларининг пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари асосан ёзувсиз даврларга тўғри келади. Бу ўринда археологик маълумотларнинг аҳамияти ниҳоятда улкан бўлиб, илк шаҳарлар тарихини тадқиқ этишда, улардан асл манбалар сифатида фойдаланиш долзарбдир.

Машҳур археолог олим Б.А.Рибаковнинг фикрича, археологиянинг тарихийлиги нафақат тарихнинг турли даврларидаги воқеаларни ташқи боғланиши ва изчиллигига қараб тасвирлабгина қолмасдан, балки қатор муҳим тарихий муаммолар: хўжалик тарихи, ижтимоий ривожланиш тарихи, дин ва санъат, этногенез ва қадимги қабилалар миграцияси тарихи, давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари, антик ёки ўрта асрлар шаҳарлари

масалалари, савдо-сотиқ тарихи, маданиятларнинг ўзаро алмашинуви каби масалаларни ўрганиш билан изоҳланади.

Ҳақиқатан ҳам, моддий маданият-тарихнинг энг қадимги босқичларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланиб, жамиятнинг олға қараб ривожланиш хусусиятларини ва қонуниятларини кўп миқёсли турли-туман материаллар орқали очиб беришга имконият яратади.

Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари ва шаҳар манзилгоҳларининг ўрганилиш тарихи 100 йилдан зиёдроқ вақтни ўз ичига олади (бу жараён хазина изловчилар ва ҳаваскорлар қазिशмаларидан бошланиб, кўп ҳолларда илмий услубга риоя қилинмаган). Бу даврда кўп сонли мақолалар ва тўпламлар, минтақанинг маълум вилоятлари (Парфия, Марғиёна, Хоразм, Бактрия, Сўғд, Фарғона ва Чоч) шаҳар маданияти тарихига бағишланган манбалар нашр юзини кўрди.

Қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишнинг энг асосий хусусиятларидан яна бири шундаки, цивилизация билан боғлиқ бўлган янги шаҳарсозлик маданияти марказларининг турли ҳудудларда пайдо бўлиши ўзининг аҳамиятига кўра, жамият ривожланишининг ўзаро алоқалари ва умуммаданий анъаналарида ҳам кузатилади. Масаланинг кам ўрганилган ушбу жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим вазифадир.

1. Урбанизация жараёнлари хақида умумий түшүнча

Қадимги Шарқ хуудлари ва унинг таркибий қисми бўлган Ўрта Осиё цивилизацияси давлатчилиги масалаларини ўрганган кўпгина тадқиқотчилар хулосаларига кўра, бу жараён ўзининг бошланган давридан бошлаб кейинги ривожланиш босқичларигача айнан урбанистик хусусиятга эга бўлган эди.

Маълумки, урбанизация жамият тарикқитининг энг мураккаб жараёниларидан бири ҳисобланади. Ибтидоий жамоа тузумидан нисбатан юқори ривожланган ижтимоий тузумга ўтиш даврида пайдо бўлган урбанизация – жадал ўсиб бораётган тараққийтни ўзида акс эттириш билан бирга иқтисодий ривожланишни таъминловчи ишлаб чиқариш тармоқлари – қишлоқ хўжалигидан хунармандчиликнинг ажралиб чиқиши, маҳсулот алмашинуви, ихтисослашган савдо-сотиқнинг ўсиб бориши, ижтимоий тузилмалар ва бошқарув органларининг шаклланиши, ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва қўриқлаш, жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни ифодалайди.

Урбанизация – жамиятдаги маданий ва ижтимоий вазифаларнинг ривожланиш жараёни ҳамдир. Ушбу глобал масалалар билан узоқ йиллар шуғулланган таниқли шарқшунос олим Б.А.Литвинскийнинг таъкидлашича¹, Ўрта Осиё урбанистик цивилизация тартибига кирган бўлиб, бу тартиб Евросиёнинг жанубий ва ғарбий қисмларини қамраб олган эди. Бу урбанистик цивилизация атрофида эса дашт, ўрмон-дашт, арктик шаклдаги цивилизациялар мавжуд эди.

Қадимги дашт, ўрмон-дашт ва арктик хуудларнинг цивилизация даражаси ва давлатчилиги хақидаги масалалар узоқ йиллар олимларнинг илмий баҳсларига сабаб бўлиб, бу баҳслар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Айрим тадқиқотчилар, масалан, А.М.Тайлор ва Т.В.Вильрондлар тўғридан-тўғри цивилизация ва уни шакллантирувчи давлатчилик фақат шаҳарларда ривожланганлиги хақидаги фикрни билдирдилар.

Бир қатор олимлар цивилизация ривожланиш манзарасини нисбатан мураккаб деб ҳисоблайдилар. Жумладан, юқорида номи келтирилган Б.А. Литвинскийнинг фикрича, жамият тараққийтини синчиклаб ўрганиш – деҳқончилик ва чорвадор жамиятларнинг мураккаб тарихи

¹ Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. -Т.,2008.Б.13.

аралашиб кетган бир қатор археологик маданиятларга бўлинганлигини кўрсатади. Шунингдек, чорвадор гуруҳларда ҳам айрим ўтроқ ва урбанистик белгилар пайдо бўлади.

Цивилизациянинг чорвадор қабилаларга хос томонларига ҳозирги кунда ҳам айниқса катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, А.И.Оразбаеванинг Евросиё даштлари кўчманчиларининг ижтимоий-маданий мажмуалари ва кўчманчи халқлар (номадлар) давлатчилиги масалаларига бағишланган ишларини эслатиб ўтиш жоизжир.

Фикримизча, бу мавзулар ниҳоятда долзарб бўлиб, цивилизация тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши сифатида махсус тадқиқ этилиши лозимдир.

Ўрта Осиё ўтроқ деҳқончилик воҳаларидаги урбанистик жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, таъкидлаш лозимки, кўчманчилар цивилизацияси ва давлатчилигини эътироф этувчи ёки унга қарши чиқувчи барча тадқиқотчилар қадимги Шарқнинг турли ҳудудларидаги қадимги давлатчилик цивилизациясида бўлгани каби Ўрта Осиё воҳаларида давлатчилик урбанистик хусусиятга эга бўлганлигини яқдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар.

Урбанистик жараёнлар ривожланишининг асосий субъекти махсус маконга оид тузилиш – шаҳар ва унинг атрофидаги у билан боғлиқ бўлган ҳамда шаҳарларга айланиб боровчи манзилгоҳлар ҳисобланади.

Кўп ҳолларда "урбанизация жараёни" дейилганда турли даврлардаги тарихий-маданий босқичларда ва шарт-шароитларда турли вазифаларни бажарган шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнлари тушунилади.

Жамиятда рўй берган урбанистик жараёнлар ва тараққиёт даражасининг асосий омиллари хусусида тадқиқот ишлари олиб борган кўпчилик тадқиқотчилар «илк шаҳар» ёки «шаҳар» тушунчасини бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда турлича талқин қилишларига қарамай, кўп ҳолларда улар тадқиқотлари хулосаларининг бир-бирига анча яқинлигини кузатишимиз мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, кўпчилик тадқиқотчилар¹ (В.Массон, Б. Литвинский, В.Сарианиди, И.Дьяконов, А.Асқаров, Т.Ширинов, Б. Удемуродов, И. Масимов ва бошқ.) Ўрта Осиёдаги урбанистик жараёнларнинг асослари энг қадимги даврларга бориб тақалишини таъкидлаган ҳолда, унинг бошланишини энеолит-бронза даври билан белгилайдилар ва ўз хулосаларини далиллар билан исботлашга ҳаракат қиладилар.

Аввало шунга эътибор бериш лозимки, тарихий, илмий ва социологик адабиётларда кўплаб учрайдиган «урбанизация» («шаҳарлашиш», «шаҳарлашув», «шаҳарларнинг пайдо

¹ Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Т., 2004

бўлиши ва ривожланиши» ёки «шаҳарсозлик маданияти») тушунчасининг моҳият ва мазмунини тадқиқотчилар турлича талқин этадилар ҳамда бу борада улар орасида аниқ бир фикрга келиниб, ягона концепция яратилмаган. Ушбу йўналиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борган мутахассисларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

- хорижлик тадқиқотчилар. Улар ўз илмий ишларида урбанизациянинг жамият тараққиётида етакчи ўринда туришини таъкидлаган ҳолда, қишлоқлар ва шаҳар атрофларининг ҳам шаҳар қулайликларидан кенг фойдаланганлигини эътироф этадилар (Сьоберг, Триггер, Кристаллер, Оппенхейм, Вебер ва бошқ.);

- собиқ иттифок давридаги тадқиқотчилар. Улар ушбу йўналишдаги тадқиқотларга турли ҳудудларда шаҳарлар сонининг ортиб бориши ҳамда шаҳар аҳолисининг кўпайиб боришини асосий мезон қилиб олгандилар (В. Массон, Б. Литвинский, М. Дьяконов, Э. Ртвеладзе, А. Сагдуллаев ва бошқ.);

- ушбу гуруҳдаги тоифага кирувчи тадқиқотчилар ўз илмий ишларига миграция (маълум ҳудуд аҳолисининг шаҳарларга кўчиши ва орқага қайтиши) қадимги йўллар ва халқаро алоқалар жараёнларини асосий мезон қилиб олишган. (В.Сарианиди, А.Асқаров, Т.Ширинов ва бошқ.).

Ибтидоий турмушдан жамият ривожланишининг нисбатан юқори поғонасига ўтишнинг умумий манзарасини тадқиқ этиш ҳозирги кунда услубий ёндашувни янада чуқурлаштириш ҳамда ушбу тадқиқотларда аниқ йўналиш ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам шаҳарларни урбанизация жараёнининг асосий мезони сифатида талқин этиш масаласи ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Методологик жиҳатдан шаҳарни фақат янги шаклдаги жамият тоифасига кирувчи ҳодиса эмас балки, муҳим ва асосий омил деб ҳисоблаш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Фикримизча, бу жиҳатдан шаҳарларнинг пайдо бўлишини тузумдаги янги ижтимоий белгиларнинг юзага келиши ва шаклланаётган тузум алоқалари ҳамда муносабатлари билан емирилаётган ибтидоий жамият ўртасидаги қарама қаршилиқни бартараф этувчи жараён сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки шаҳарлар марказларининг тузилиши ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш шаҳарлар тарихини ўрганиш учун ниҳоятда муҳимдир. Ижтимоий-иқтисодий таҳлил жараёнида фойдаланиладиган тушунча нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар-аҳоли бир ерда зич жойлашган жой, ишлаб чиқариш қуруллари ва воситалари марказлашган ҳудуд, маданий

ва мафкуравий имкониятлар маркази, ўзига хос хунармандчилик ва савдо-сотиқ вазифаларини бажарувчи йирик пунктлар сифатида изоҳланади.

Турли тармоқлар марказлашган ҳудуд сифатида шаҳарларнинг аҳамияти аввало, зич қурилган иншоотлар ва маҳобатли меъморчиликнинг ривожланиши билан изоҳланадиган шаклий хусусиятларда ўз аксини топади. Маълумки, ибтидоий жамоа муносабатлари емирилиши билан меъморчиликда, одатда, шаҳар марказларида жойлашадиган нуфузли иншоотлар – қалъа, сарой ва ибодатхоналар мажмуаларининг ўзига хос қурилиш услублари ишлаб чиқилади. Аҳоли жойлашувининг микдорий белгилари турли хўжаликлардаги, биринчи навбатда, деҳқончилик тизимидаги аҳоли зичлиги билан мос тушмоғи лозим. Маълум ҳудудни ёки манзилгоҳни (қишлоқни) шаҳар сифатида изоҳлашда ташқи микдорий кўрсаткичлар билан бирга ички сифатий ва тузилишга оид ўзгаришлар ҳам ниҳоятда муҳимдир.

И.Шифманнинг фикрича¹, шаҳар эркин аҳолининг ижтимоий ташкилот шакли сифатида ўзининг ички ва ташқи ишларида мустақил ҳокимиятни у ёки бу даражада амалга оширадиган фуқаролар жамоасини ўзида акс эттиради. Ижтимоий уюшма сифатида шаҳар ҳокимият органларининг маълум тартибига эга бўлади. Шаҳар уюшмаси учун мустақамланган марказ ва марказдан четда бўлиб, унга бўйсунувчи фуқароларнинг турли иншоотлардан иборат турар жойлари мавжудлиги ҳам хосдир. Шаҳар қишлоқ жамоаларидан пайдо бўлади ва ривожланади. Фикримизча, шаҳарларнинг қишлоқ жамоалардан фарқи шундаки, у ўзига хос бўлган хусусиятлардан ташқари давлатга хос бўлган хусусиятларни ҳам ўзида мужассамлантиради.

Ўз хусусиятига кўра «шаҳар»ни таърифлаш турлича бўлиши мумкин. Шаҳарлар учун фақат бир нарса – улар бир-бирига туташ (нисбатан бўлса ҳам) манзилгоҳларни, аҳоли яшаш ҳудудини, бир ёки бир нечта алоҳида жойлашган турар жойларни ўзида акс эттириши умумийдир. Одатда, «шаҳар» дейилганда бу атамадан бошқа яна бир микдорий белги – шаҳар катта манзилгоҳ эканлиги ҳам назарда тутилади. Бизнингча, ушбу атама ўз маъносига деярли мос тушади. Хусусан, Ўрта Осиё, умуман дунё тарихидаги энг қадимги шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил этганимизда ушбу фикрнинг тўғрилиги аён бўлади.

¹ Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.-Т.,2008.Б.19.

Социологик нуқтаи назардан «шаҳар» – бир-бирига туташ уйлардан иборат аҳоли зич жойлашуви турар жойлари сифатида изоҳланади. Бундай таърифдан сўнг катта қишлоқларни «шаҳарлар» деб ҳисоблаш билан кифояланиш ҳам мумкин. Фикримизча, ушбу таърифнинг ҳақиқатга қанчалик яқин эканлиги ва объективлиги умумий тарихий-маданий шарт-шароитларга (пайдо бўлиш шарт-шароитлари, алоқалари, жойлашуви ва бошқ.) боғлиқдир.

Иқтисодий нуқтаи назардан шаҳарни аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалиги эмас, балки, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланувчи ҳудуд сифатида таърифлаш мумкин. Бизнинг фикримизча, шунга ўхшаш барча ҳудудларни ҳам «шаҳарлар» деб аташ мақсадга мувофиқ эмас. Тарихий адабиётларда одатда, вилоят ва туманларнинг маданий, хўжалик ва маъмурий марказлари бўлган йирик манзилгоҳлар «шаҳарлар» сифатида талқин этилиб, улар ҳақиқатдан ҳам, том маънодаги ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан узвий боғлиқ бўлади.

Археологик таҳлил пайтида ишлатиладиган тушунча нуқтаи назаридан қадимги шаҳарлар – аҳоли марказлашиб яшайдиган йирик ҳудудлар, ишлаб чиқариш ва маданий марказлар, мунтазам савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик вазифаларини бажарувчи ўзига хос марказлар сифатида кузатилади ва талқин этилади. Қадимги манзилгоҳларнинг паҳса уйлардан иборат зич қурилган иншоотларини ҳисобга олган тадқиқотчиларнинг фикрича, уларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган миқдорий чегара ўлчамлари илк шаҳар марказлари шаклланиб ривожланган Месопотамия ва қадимги Бактрия учун 6-7 гектардан иборатдир. Тадқиқотчилар айнан шунга ўхшаш, яъни майдони 6-7 гектардан ортиқ барча манзилгоҳларни «шаҳарлар» деб эътироф этадилар. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг жанубидаги илк шаҳарларнинг минимал майдонининг шартли чегараси 3-6 гектар бўлиши мумкин деган фикр ҳам бор. Бу ўринда шаҳарлар учун хос бўлган бошқа кўпгина хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Фикримизча, ички, сифатий ва режавий хусусиятлар ҳам ниҳоятда муҳимки, улар ташқи ва миқдорий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим манзилгоҳлар гуруҳини «шаҳарлар» деб таърифлаш учун кенг имкониятлар яратади.

Бир ижтимоий тузумдан иккинчи бир жамиятга ўтиш даврида шаҳарларнинг пайдо бўлиш жараёни ҳам муаммоли масала ҳисобланади. Бу даврда «шаҳар тузилмалари» илк деҳқончилик қабилаларининг илгари мавжуд бўлган тузилмалари асосида ўсиб боради. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу жараёни «шаҳарсозлик инқилоби» дейиш мумкин. «Шаҳарсозлик инқилоби» деганда, илдишлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган ва меҳнатнинг

иккинчи йирик тақсимои (бронза даврида ҳунармандчиликнинг бошқа ҳўжалик турларидан алоҳида ихтисослик сифатида ажралиб чиқиши) билан узвий боғлиқ бўлган ҳамда қадимги цивилизациялар иқтисодий ва маданий шаклланишига олиб келадиган аниқ тарихий жараёни тушуниш лозимдир.

«Шаҳар» тушунчасини турли тадқиқотлар асосида таҳлил этиб талқин қилар эканмиз, шунга алоҳида эътибор бериш лозим бўладики, бу тартибда асосий белги шаҳарнинг ўзи ҳисобланади. Ушбу йўналишда «шаҳар» тушунчасини ҳар томонлама изоҳлаш ниҳоятда муҳимдир. Демак, бу борадаги айрим тадқиқотчилар қарашларини қиёслаймиз. И.М. Дьяконов «шаҳарни» атроф манзилгоҳлар унга туташ марказ, шунингдек, ихтисослашган ҳунармандчилик, маҳсулот ва бошқа турдаги алмашувлар ҳамда заҳиралари маркази деб ҳисоблайди. В.М. Массон эса, анчагина умумий ва кўпчиликка маълум ушбу изоҳга «йирик марказ» тушунчасини ҳам қўшиш лозим⁴ деган фикрни билдиради. В.И. Ионесовнинг фикрича, «илк шаҳар» цивилизацияси пайдо бўлиши ва ривожланиши йўналишидаги ижтимоий-маданий жараёнлар аввало, бўлиниб кетиш ва алоҳида бирлашиш йўллари орқали такомиллашиб, ривожланиб боради.

Жуда кўплаб археологик материаллар таҳлили асосида хулоса чиқарган Т.Шириновнинг фикрича, бронза даври Ўрта Осиёнинг илк шаҳарлари қишлоқ ҳўжалик атроф ҳудудлар маркази, воҳаларнинг ҳунармандчилик, маъмурий ва диний маркази эди.

Маълумки, ўтган асрнинг ўрталарида инглиз олими Г.Чайлд бошқа белгилардан ташқари аҳолиси 5000 ва ундан ортиқ бўлган аҳоли яшаш ҳудудларини «шаҳар» деб ҳисоблаш мумкинлиги ҳақида таклиф киритган эди. Бу ҳолат, мисол учун деҳқончилик аҳолисининг зичлиги юқори бўлган Месопотамия учун хос бўлиши мумкин. Аммо бошқа ҳудудлардаги аҳолиси анча кам бўлган кичик шаҳарларни маълум бир тоифаларга ёки гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

2. Жанубий Ўзбекистонда шаҳарсозлик анъаналарининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистоннинг жанубидаги бронза даврига оид ёдгорликларни кенг миқёсда тадқиқ этилиши натижасида ушбу ҳудудларнинг қадимги тарихи ва маданияти тўғрисида бой маълумотлар олинди. Турли йилларда жанубий Ўзбекистон ҳудудларида илк, ривожланган ва сўнгги бронза даври илк деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, урбанизация жараёнлари ҳамда илк давлатчилик масалалари, маданий ва иқтисодий алоқалар, ҳунармандчиликнинг тараққий этиши масалалари бўйича А.Асқаров, Э.Ртвеладзе, Б.Абдуллаев, А.Сагдуллаев, Т.Ширинов, У.Рахмонов, Э.Сайко, Ш. Шайдуллаев каби олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар¹. Ушбу тадқиқотлар натижасида бронза даври ўлкамиз жанубий ҳудудларида бўлиб ўтган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт масалалари ва айниқса, ушбу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш асослари ва ривожланиш босқичлари, илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши жараёнларига кўплаб аниқликлар киритилди. Ушбу масалалар бўйича жуда кўп янги маълумотлар фанга жорий этилди ва этилмоқда.

Амударёнинг ўрта ва юқори оқими шимоли ҳамда жанубида жойлашган ерлар «Авесто» нинг қадимги қисмларида Бахди, форс подшолари миххатларида Бактриш, грек-рим тарихчилари маълумотларида Бактрия ёки Бактриёна, ҳинд манбаларида Бахлика, милоднинг бошларига оид хитой манбаларида Дахя ёки То-хо-ло ўлкаси сифатида эслатиб ўтилади. Замонавий тарихий маълумотларга кўра Бактрия ерлари бу -Афғонистоннинг шимолий шарқий қисмини, Жанубий Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубидаги (Сурхон воҳаси) ерларни ўз ичига олган. Ундан ташқари замонавий тарихий адабиётларнинг барчаси ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти, Тожикистоннинг Кўлоб ва Қўрғонтепа вилоятларини ўз ичига олган ерларни шимолий Бактрия сифатида эътироф этадилар.

Шимолий Бактрия ҳудудларидаги аҳолининг ўтроқ манзилгоҳлари бу ерда Ҳисор маданияти кенг ёйилган даврда, яъни неолит даврида (мил. авв. VI-IV минг йилликлар) пайдо бўлади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда бу даврга келиб «ҳисорлик» овчилар кичик ва йирик дарёлар воҳаларини, Бойсунтоғ ва Қухитанггача бўлган тоғ ва тоғ

¹ Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.-Т.,2008.Б.64.

олди ҳудудларини ўзлаштирадilar. Бронза даврига келиб эса бу ҳудудларда бошқа кўринишга эга бўлган ҳамда ўзига хос хўжалик шаклидаги янги маданиятлар шакллана бошлайди.

Ушбу маданият соҳиблари яшаган манзилгоҳлардан бири Сополлитепа бўлиб, бу ёдгорлик Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ҳудудида, Кухитангтоғдан оқиб тушувчи кичик дарёнинг қадимги ирмоғи бўйида жойлашган. Сополлитепа пайдо бўлган сой маҳаллий аҳоли орасида Улонбулоқсой деб аталади. Сополлитепа Ўзбекистон ҳудудларида ҳозирги кунга қадар аниқ бўлган энг қадимги ўтроқ деҳқончилик қишлоғи бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу маданият қуйидаги бешта асосий босқичга бўлинади:

1. Сополли босқичи -мил. авв. 1700-1500 йй.
2. Жаркўтон босқичи -мил. авв. 1500-1350 йй.
3. Кўзали босқичи -мил. авв. 1350-1200 йй.
4. Молали босқичи - мил. авв. 1200-1050 йй.
5. Бўстон босқичи – мил.авв. 1050-900 йй. Ушбу босқичларнинг саналари тадқиқотчилар томонидан махсус таҳлил этилиб илмий жиҳатдан асосланган.¹

Тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, Шимолий Бактриянинг қадимги шаҳарлари узоқ давом этган тарихий жараёнлар ва турли: ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва табиий-географик омилларнинг таъсири натижасида шаклланиб келган. Қадимги Шарқ ва маҳаллий кўринишдаги урбанистик маданиятнинг уйғунлашуви қадимги Бактрия шаҳарсозлигининг асосини ташкил этади. Кейинроқ эса ўзига хос бўлган шаҳар маданияти мустақил равишда ривожланади.

Мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи чорагида Амударёнинг ўнг қирғоғида аниқроғи, унинг ғарбий қисмида Сополлитепа кўринишидаги дастлабки мустаҳкам қишлоқлар пайдо бўлади. Ушбу қишлоқлар бу ҳудудларда ривожланган бутунлай янги кўринишдаги қишлоқлар бўлиб, неолит даври (Ҳисор маданияти) манзилгоҳларидан ажаралиб туради.

Сополлитепада тадқиқотлар узоқ йиллар олиб борган А.Асқаровнинг фикрича, ёдгорлик мустаҳкам асосда қад кўтарган бўлиб, қуйидаги ажралиб турувчи белгиларга эга: икки қисмли тузилиш - мустаҳкам марказий қисм ва унинг атрофида мустаҳкамланмаган манзилгоҳ, унча катта бўлмаган майдон, асосий қисмнинг аниқ режавий тузилиши, саккизта кўп хонали турар-жойлар қисмларининг марказлашуви ва уларнинг йўлаклар билан ажралиб

¹ Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.-Т.,2008

туриши, бўлма (отсек)лари бўлган химоя деворлари. Ундан ташқари, кулолчилик ва металлга ишлов бериш ҳунармандчилиги ҳамда деҳқончиликнинг етакчи мавқега эга бўлиши ҳам Сополлитепа учун хосдир.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, Сополлитепа аҳолисининг асосий машғулоти сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончиликдан иборат эди. Қазилмалар пайтида катта хум кўринишидаги идишлардан ва омборхона вазифасини бажарувчи хоналар сатҳидан топилган арпа, буғдой, тарик донлари ҳамда бутун Сополлитепа мажмуида кўплаб учрайдиган дон янчгич, келисоп, кетмон ва ўроқлар айнан деҳқончилик ҳўжалигидан далолат беради. Ундан ташқари, турар-жой қолдиқлари, манзилгоҳнинг тузилиши ва умуман археологик топилмаларнинг кўриниши ҳам манзилгоҳ аҳолисининг қадимги деҳқончилик маданиятига хос бўлган ўтроқ турмуш тарзини ифода этади.

Сополлитепа манзилгоҳи аҳолисининг яна бир муҳим ҳўжалик тармоғи чорвачилик эди. Қазилмалар пайтида жуда кўплаб топилган уй ва ёввойи ҳайвонларнинг суяклари айнан мана шу жараёндан далолат беради. Умуман олганда, Сополли маданияти соҳиблари ҳўжалигида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ва уй чорвачилиги манзилгоҳдаги иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этган. Ундан ташқари ушбу маданиятга хос бўлган кулолчилик ишлаб чиқаришнинг юқори даражаси, металлга ишлов беришнинг жадал ривожланиши, тўқимачилик соҳасининг тараққиёти каби омиллар манзилгоҳнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сополли маданияти ҳукм сурган давр тарихий-маданий жараёнларига назар ташлайдиган бўлсак, мил. авв. II минг йиллик Амударёнинг ўнг ва чап қирғоғида кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича иккита: Сополли маданияти ва Дашли маданияти ёки Сополли-Дашли маданиятининг икки хил кўриниши кенг тарқалади.

Сополли - Дашли маданиятининг келиб чиқишини таҳлил этар экан А.Асқаров ва Т.Шириновлар Ўрта Осиёнинг жануби, шимоли-шарқий Эрон, шарқий Эрон ва шимолий Афғонистон ҳудудларидаги ўтроқ деҳқончилик шаклидаги археологик мажмуаларни умумий маданий жамоалар сифатида Номозгоҳ тарихий-маданий бирлиги (НИКО - Намазгинская историко-культурная общность) деб аташни таклиф этадилар. Шунингдек улар НИКОда маҳаллий кўринишлар ва ҳатто, алоҳида маданиятлар бўлиши мумкинлигини инкор этмайдилар. Агар маълум ҳудудлардаги тарихий-маданий жараёнларнинг ўзига хослигини,

географик жойлашув ва шарт-шароитларни ҳисобга оладиган бўлсак, бу фикрга қўшилиш мумкин.

И.В.Сарианиди жанубий Бактрияда Сополли маданиятига яқин бўлган археологик мажмуани ўрганган¹. Аммо, олим бу мажмуаларни "ўзига хос маданият", "маҳаллий кўриниш", "маҳаллий маданий жамоа" каби тушунчалар билан боғламайди. Кейинги йиллардаги тадқиқотларида бу олим Намозгоҳ VI даврига оид Бактрия ва Марғиёна археологик мажмуалари (БМАК - Бактрийско-Маргианский археологический комплекс) мавжуд эди, деган ғояни илгари сурди. Бронза даврида пайдо бўлган бу маданий бирлик Жануби-Ғарбий Осиёнинг кенг ҳудудларига ёйилади ва В.Сарианидидан кейин бир қатор тадқиқотчилар бу мажмуани «Окс цивилизацияси» деб номланадилар (Лигабой, Салвадори, Франкфорт ва бошқ.). Олимнинг фикрича, БМАКни Намозгоҳ, Олтинтепа, Жарқўтон каби кўринишларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. А.Асқаров ва Т.Шириновлар ушбу фикрга қўшилиб, Жарқўтон ва Сополли мажмуалари (сополлар, металл, тош ва меъморчилик) Марғиёна мажмуи билан ўхшашлик топади деган хулоса чиқарадилар. Шунингдек, уларнинг фикрича, БМАКнинг шаклланиши Жанубий Туркменистон, шимоли-шарқий Эрон ва шарқий Эрон яъни, НИКО ҳудудларидаги қадимги ўтроқ деҳқончилик аҳолиси кўчишининг натижаси ҳисобланади.

Афғонистоннинг шимоли ва Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган бу давр манзилгоҳлари топографиясини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу кўчишнинг йўналиши Термизнинг ғарбида жойлашган Чўчка Гузар ва Шўробкўрғон кечувлари орқали ўтган.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотларга асосланган айрим тадқиқотчилар Зарафшон воҳасини ҳам БМАК ёйилган зонага киритиш мумкин деган фикрни билдирадилар. Шунингдек сўнгги йиллардаги ФА Археология институти олимлари томонидан Самарқанддан 60 км жануби ғарбда жойлашган Жом қишлоғи атрофларидаги Галашерикдан ўрганилган 4 та қабр ҳамда Сигиртепа, Бешбулок, Қаратепадан топилган топилмаларга қараб, ўрта Зарафшон воҳаси ҳам БМАК ёйилган зонага кирган деган фикр билдирилди.

Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидаги бронза даври кўчиш жараёнлари, маданий мажмуалар, топографик ҳолат ва бошқа йўналишлардаги тадқиқотларни таҳлил этиб шундай хулоса чиқариш мумкинки, бу ҳудудларда иккита зона: дашт чорвадор қабилалари жадаллик билан кириб келган шарқий (Шимоли-Шарқий Афғонистон ва Жанубий Тожикистон) ва

¹ Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.-Т.,2008

ўтроқ деҳқончилик қабилалари банд этган ғарбий (Шимолий-Ғарбий Афғонистон ва Жанубий Ўзбекистон) зоналарга бўлинади.

Ғарбий зонада деҳқончилик жамоаларининг маркази Балхоб воҳасида бўлган нисбатан кучли уюшмаси шаклланади. Бу уюшма шимолдаги чорвадор қабилаларнинг ҳужумларини муваффақиятли қайтариб турган. Шунингдек бу зонанинг деҳқончилик жамоалари аҳолиси ҳарбий тўқнашувларда иштирок этиб турганлигини Дашлидан топилган кўп сонли ҳарбий қурол-яроғлар ҳам тасдиқлайди.

Амударёнинг ўнг қирғоғида шаклланган Сополлитепа-бронза давридаги дастлабки ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳи бўлиб, дарёдан кечув йўлини ҳимоя қилувчи мустаҳкам олдинги истехком (форпост) сифатида пайдо бўлган. Кейинчалик, ўтроқ деҳқончилик жамоалари шимолий чегараларининг кенгайиши муносабати билан Сополлитепа ўзининг илгариги аҳамиятини йўқота бошлайди ва бўшаб қолади. Асосий марказ вазифаси эса, тоғ дарасидан чиқувчи йўл устидаги мустаҳкам қалъа сифатида пайдо бўлган Жарқўтонга ўтади.

Жарқўтон ёдгорлиги Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Шеробод дарёсининг кўҳна ўзани Бўстонсой ёқасида жойлашган. Ушбу ёдгорликда 1973 йилдан бошлаб узлуксиз олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида бу ҳудудларда рўй берган урбанизация жараёнларига кўплаб аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, Жарқўтондаги 100 гектардан кам бўлмаган ҳудуддан арки аъло, шахристон, улкан ибодатхона қолдиқлари, металл эритувчи печлар, 20 гектарли қабристон, кўплаб моддий маданият буюмлари топиб ўрганилди.¹ Ундан ташқари Жарқўтон ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар кўҳна шаҳарнинг пайдо бўлиб ривожланган санасини аниқлаш ҳамда ушбу ҳудудларда юз берган тарихий-маданий жараёнларни бир неча босқичларга ажратиш имкониятини берди.

Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, Жарқўтондаги қадимги шаҳар ҳаёти уч босқичга, яъни, Жарқўтон (мил. авв.1500-1350 йиллар), Кўзали (мил. авв.1350-1200 йиллар) ва Мўлали (мил. авв. 1200-1000 йиллар) босқичларига бўлинди. Кейинроқ, Жарқўтоннинг қарама-қаршисида, Бўстонсойнинг ўнг соҳилида ўрганилган ёдгорликлардаги тадқиқотлар натижасида Мўлали босқичини икки фазага, яъни Мўлали (мил. авв.1200-1000 йиллар) ва Бўстон (мил. авв. 1000-900 йиллар) фазаларига бўлиб ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб Жарқўтон ўша ҳудудлардаги деҳқончилик билан

¹ Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.-Т.,2008

шуғулланувчи аҳоли қабилалари уюшмаларининг мустаҳкам истехкомига айланади. Афтидан, айнан мана шу истехком орқали Ҳисор тоғ олди воҳалари ва жанубий Тожикистоннинг ғарбий ҳудудларига шимолдаги аҳолининг кўчишлари бўлиб ўтади. Айнан мана шу ҳудудлардан топилган ёдгорликлар топографияси ва уларни даврлаштириш ушбу жараён изчиллик билан бўлиб ўтганлигини кўрсатади. Ундан ташқари яна шу нарса ҳам маълумки, бу жараённинг ривожланиши мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзи кечирувчи аҳоли манзилгоҳларида аҳоли сонининг ўсиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Бронза даври Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари ҳақида гап кетар экан шуни таъкидлаш жоизки, бу давр ёдгорликлари фақат археологик тадқиқотлар орқалигина ўрганилиб, бу даврдаги сиёсий-маъмурий тузилмалар ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар эса ёзма манбаларсиз, қиёсий таққослаш асосида ўрганилади. Айнан мана шунинг учун ҳам тадқиқотчиларнинг ушбу жараёнлар хусусидаги хулосалари кўп ҳолларда тахминлардан иборат. Масалан, А.Асқаров ва Б.Абдуллаевлар бронза даври ривожланишининг Жарқўтон босқичини (мил. авв. II минг йиллик ўрталари) ибтидоий жамоа тузуми емирилиш даврига, кўзали ва молали босқичларини (мил. авв. II минг йилликнинг охирлари) эса мулкый тенгсизлик муносабатлари пайдо бўлиши даврига оид деб ҳисоблайдилар. В.И.Сарианиди эса, аксинча, мил. авв. II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг бошларида давлатчилик муносабатлари шакллана бошлаган Бақтриянинг умумий ижтимоий ривожланиш даражасини ошириб юбормасликни таклиф этади.

Т.Ш. Шириновнинг фикрича, Жарқўтонни Месопотамиядаги «чифдом» ва «ном» га ўхшаш кичик давлатнинг маъмурий маркази бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Аммо, Месопотамиядаги давлатлардан фарқли ўларок, у беқарор сиёсий бирлашма бўлган. Мил. авв. II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёнинг жанубида бир неча кичик давлат уюшмалари вужудга келган бўлиб Дашли 3, Гонур 1, Тўғолоқ1, Улуттепа, Намозгоҳтепа, Олтиндепа каби Жарқўтон ҳам улардан бирининг маркази бўлган.

Кўпчилик олимларнинг эътироф этишларича, Ўрта Осиёнинг жанубида илк шаҳарлар ва давлат уюшмаларининг пайдо бўлиш жараёни В.М.Массон томонидан нисбатан аниқроқ изоҳланган. Тадқиқотчи бу жараёнда иккита асосий босқични ажратади: 1) маълум воҳаларда

шаҳар-давлатларнинг пайдо бўлиши: 2) улар асосида йирик ижтимоий-сиёсий тартибнинг шаклланиши.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижаларини умумлаштирган А.Асқаров Жарқўтонни, умумий майдони 100 гектардан кам бўлмаган шаҳар-давлат сифатида изоҳлайди. Шунингдек, Э.В.Ртвеладзе ўзининг сўнгги йиллардаги ишларидан бирида Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатчилик масалаларига тўхталиб, мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми-Ўзбекистон жанубида эмбрионал шаклда давлатга ўхшаш тузилма қарор топади, давлатнинг бундай намунаси Жарқўтонда ўз аксини топган дейиш мумкин деган фикрни илгари суради.

Ўтган асрдаёқ фанда ишлаб чиқилган типологияга асосан, илк давлатларнинг нисбатан қадимги шакли (Месопотамияда) шаҳар-давлатлар, «номлар» ҳисобланади. Умуман олганда ном давлатлар, шаҳар-давлатлар, жамоалар ва воҳалар марказларини Жарқўтон мисолида қиёсий таҳлил қилиш мумкин.

Тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, Жарқўтонда манзилгоҳдан ташқарида бунёд этилган махсус қабристонлар Сополлига нисбатан жамиятнинг ижтимоий ривожланиши юқори даражада бўлганлигидан далолат беради. Ундан ташқари, ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарган кулолларнинг алоҳида маҳаллалари шаклланиши ҳам жамиятнинг нисбатан юқори даражада ривожланганлигининг муҳим белгиси ҳисобланади. Бу даврда Жарқўтон жамиятидаги кулолчилик ихтисослиги маҳсулот ишлаб чиқаришда устун даражада эди. Ундан ташқари, қабрлардан топилган буюмларнинг сони ва сифати ҳам мулкий табақаланиш нисбатан кучайганлигидан далолат беради. Жарқўтон манзилгоҳлар мажмуи Бўстонсой воҳасида марказлашган ва табиий чегаралар-дашт ва тоғ олди билан чегараланган жамиятни ўзида акс эттиради.

Юқорида таъкидланганидек, Жарқўтон кўринишидаги манзилгоҳлар мажмуини ном давлатлар билан қиёслаш учун етарли қатор умумий белгилар бор. Жумладан, Месопотамиядаги ном давлатлар учун хос бўлган ёзув намуналари Жарқўтондан ҳам топилганлиги катта илмий аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, яқинда Ш.Шайдуллаев Ўзбекистоннинг жанубидан топилган пиктографик белги - ёзувлар ҳақидаги мақоласини матбуотда эълон қилди. Тадқиқотчининг маълумотларига кўра, Жарқўтон ёдгорлигидан сополларга битилган 47 белгидан иборат ёзувнинг топилиши аجدодларимизнинг бронза даврида пиктографик ёзувни яратгани ва ўз фикрини турли белгиларда ифодалаганини

кўрсатади. Шунингдек, Шерободдаги Ғоз қишлоғи ёнидаги илк темир асрига оид ёдгорликдан тош ўғир (кели) топилган бўлиб унинг сиртида умумий сони 14 та бўлган пиктографик белги-ёзув мавжуд. Тадқиқотчи бу белгини миср иероглификаси билан солиштириб улардан бири "ҳақиқат", яна бири эса дунёнинг айланиши яъни, "чархпалак" деб ўқилиши мумкинлигини тахмин қилади.

Юқоридагилардан хулоса ясаб айтиш мумкинки, бронза даври Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида яшаган ўтроқ деҳқончилик жамоалари жамият тараққиётининг юқори поғонасида бўлиб, ибтидоийликнинг сўнгги босқичидан цивилизацияга ўтадилар. Ушбу цивилизациянинг бошланиши шаҳармонанд (протогород) белгиларни ўзида акс эттирган Сополлитепа бўлган бўлса, Жарқўтон айнан йирик шаҳар белгиларини ўзида мужассамлантирган марказ эди. Фикримизча, айнан Жарқўтоннинг ўзи Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳарларнинг ёрқин мисоли эди. Шеробод воҳасидаги шу даврга оид Жарқўтон мажмуида кирувчи манзилгоҳлар гуруҳини эса шаҳар-давлат ёки ном давлатлар сирасига киритишимиз мумкин. Ёки ҳеч бўлмаганда, мил. авв. II минг йилликнинг сўнгги чорагида Шимолий Бактрия ҳудудларида йирик ва мустақамланган марказларга эга бўлган, ном ёки воҳа кўринишидаги давлатларнинг бошланиш босқичида бўлган **ҳудудий-сиёсий бирлашмалар** шакллана бошлаган деган ғояни илгари суришимиз мумкин.

Шундай қилиб, Сурхон воҳаси нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудларида илк урбанистик марказлардан бири ҳисобланиб, ушбу ҳудудларда урбанизация жараёнларининг бошланиш санаси 4000 йилдан кам эмас дейишга жиддий илмий асослар бор.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, ўзига хос тараққиёт босқичини босиб ўтган илк шаҳарсозлик маданияти занжирига Фарғона водийси ҳам киради. Водийдаги ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи (катта майдон, мураккаб тузилиши ва муҳофаа тартиби, алоҳида арк, ҳунармандчилик маркази ва бошқ.) археологик ёдгорликлар ҳақидаги концепция 1973 йилдаёқ Ю.А. Заднепровский томонидан ишлаб чиқилган эди. Шундан сўнг ушбу масала юзасидан айрим мулоҳазалар билдирилган бўлишига қарамай, юқоридаги концепция ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик-палеогеографик тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсининг қадимги даври инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларга кўпгина аниқликлар киритилди. Фарғоналик қадимги бободехқонлар суғориладиган ерларни

ўзлаштира бориб қатор сифатлари билан, аввало, тупроқ экологик шароитлари билан фаркланиб турадиган сунъий антропоген-ландшафтлар барпо этадилар. Улар табиий ландшафтлардан тўғри ва оқилона фойдаланишлари натижасида ўзларига зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирганлар. Сунъий суғориш ва ерга ишлов бериш билан бирга сув чўкиндилари ҳам ҳосилдорликни ошириб борган

3. Фарғона водийсидаги илк шаҳарсозлик маданияти.

Фарғона водийсидаги илк шаҳарсозлик маданияти кўҳна илдизларга эга бўлиб, бу жараённинг илдизлари қадимги деҳқончилик маданияти заминида кузатилади. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра водийда қадимги деҳқончилик маданияти мил. авв. II минг йилликнинг охиригача чорагидан бошланади. Бу маданият фанда биринчи топиб ўрганилган жой номи билан «Чуст маданияти» деб номланиб ушбу маданият асосан деҳқончилик билан шуғулланган қадимги аҳолига мансубдир. Даврий жиҳатдан Чуст маданияти ёдгорликлари иккига бўлинади ва биринчи босқич - мил. авв. XII-IX асрлар, иккинчи босқич мил.авв. VIII-VII асрлар билан саналанади.

Қадимги Фарғона деҳқонлари кўп ҳолларда сув манбаалари атрофларида ўз маконларини бунёд этганлар. Сўнгги йилларда Фарғонадаги бронза даври аҳолисининг ерни ҳайдаб деҳқончилик қилганликлари ҳақида археологик маълумотлар олинди. Хусусан, Фарғона тоғ тизмаларидаги Соймалитош ва Сўх яқинидаги Янгиариқсой қоятош суратларида кўш ҳайдаётган инсон тасвири аниқланган. Қадимги деҳқонлар фақат табиий сув бўйларини ўзлаштирибгина қолмасдан балки, обиҳаёт чиқариш осон бўлган дарё ва сой бўйларидан кичкина каналлар чиқариш йўли билан ҳам хўжалик юритганлар. Бунинг исботи сифатида Андижон вилоятида жойлашган Далварзинтепа ва Ашқолтепани йирик сув манбаси - Қорадарё ҳавзасида (3-4 км. масофада) жойлашганлигини келтиришимиз мумкин. Чуст ёдгорлиги эса кичкина сой яқинидаги қадимги булоқ бўйида жойлашган. Умуман олганда Фарғона илк деҳқончилик маданиятининг 80 дан ортиқ ёдгорликлари аниқланган. Улар майдони ва ўлчамларига қараб учга бўлинадилар: йирик ёдгорликлар (Далварзин, Ашқолтепа), ўртача катталиқдаги ёдгорликлар (Чуст, Деҳқонтепа, Ўш, Хожамбоғ) ва кичик ёдгорликлар.

Фарғона водийсидаги қадимги зироатчиларнинг маконлари сувга яқин жойлардаги унумдор ерларнинг ўзлаштирилишига қараб алоҳида воҳа ёки гуруҳ тарзида (икки ва ундан

ортиқ ёдгорлик) жойлашган. Бунинг исботи сифатида кейинги 50 йил ичида водийда ўрганилган Чуст маданияти ёдгорликлари тартибига кирувчи манзилгоҳларнинг жойлашиш тизимини келтириб ўтиш мумкин. Ана шундай воҳалар Фарғона водийсидаги 15 та географик районда топиб ўрганилган. Булар Ғовасой, Косонсой, Аравансой, Чортоқсой, Мойлисув, Окбурасой ва бошқалардир. Қадимги деҳқончилик воҳаларини ҳар биридаги ёдгорликлар ўлчамлари ҳамда жойлашишига кўра маълум ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши тадқиқотчилар томонидан аниқланган. Ушбу воҳаларда истиқомат қилган аҳоли ўзига хос деҳқончилик жамоаларини ташкил этган. Ҳар бир воҳа ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳамда уларнинг бирлашувидан деҳқончилик марказлари пайдо бўлган.

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари билан қиёсий таҳлил этган Ю.А. Заднепровскийнинг фикрича, қадимги Фарғона деҳқончилик марказлари билан бир вақтда Ўрта Осиёнинг ўнта жойида ҳам ана шундай марказлар пайдо бўлади. Буларга Ёз, Яшилли (Туркменистон), Кучуктепа, Чироқчи, Бурғулук (Ўзбекистон); Чуст (Ўзбекистон, Қирғизистон), Шаҳристон (Тожикистон) ва бошқа деҳқончилик марказлари киради. Ушбу бир-бирига ўхшаш деҳқончилик марказлари орасида даврий жиҳатдан нисбатан қадимгиси Чуст ёдгорликлари ҳисобланади.¹

Чуст маданияти ёдгорликлари таркибига кирувчи асосий катта манзилгоҳлар Далварзинтепа, Чуст, Ашқолтепалар Фарғона водийсидаги ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи ёдгорликлар ҳисобланади. Айнан Далварзинтепа ва Чустнинг атрофи ҳимоя деворлари билан ўраб олинган бўлиб, уларда ҳукмдор яшайдиган арк ажралиб туради.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, шаҳар маданияти ва давлатчиликнинг пайдо бўлиши доимо тадқиқотчилар баҳс- мунозараларининг диққат марказида турган масалалар ҳисобида туради. Бу жараён асрлар давомида ўзига янги жиҳатлар ва вазифаларни қўшиб, мураккаблашиб ва мукаммаллашиб борган. Шаҳарсозлик маданиятининг ривожланишида ҳимоя иншоотлари асосий омиллардан бири бўлиб, жамиятда кечган урбанизация жараёнларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ўрта Осиё минтақасининг турли ҳудудларидаги мудофаа иншоотлари ўзига хос бўлиб, бу йўналиш алоҳида мавзудир.

¹ Матбобаев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. //Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона. Маъруза матнлари. -Наманган. 2001.

Фарғона водийси қадимги давридаги барча мудофаа иншоотлари гувала, хом ғишт ва пахсадан қад кўтарган. Ҳимоя иншоотлари тарихий топографиясини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, улар пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий мезони ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳларининг узоқ вақт мавжуд бўлиши ва уларнинг кўчманчи қабилалар билан қўшничилиги эди. Бу қўшничилик ҳар доим ҳам тинч-тотувликка асосланмаган бўлиб, айрим ҳолларда ҳарбий тўқнашувлар билан тугар эди

Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, Далварзинтепада яшайдиган аҳоли уни уч қисмдан иборат қилиб қурган. Ҳар бир қисм алоҳида мудофаа деворлари билан ўралган ҳамда уларнинг ўз вазифаси бўлган. Далварзинтепа ҳудудининг 18 гектари турар-жойлар, 5 гектари хавф туғилган пайтда атроф аҳоли жон сақлайдиган бошпана қисм, 2 гектари эса махсус алоҳида ажратилган қисм бўлиб, бу ерда ҳукмдорлар яшаганлар. Кўҳна шаҳарнинг деворлари пахса ва хом ғиштлардан фойдаланиб тикланган. Демак, Далварзинтепа пухта ўйланган режа асосида қурилган аҳоли манзилгоҳи бўлиб, ушбу ёдгорликда илк шаҳарсозликнинг деярли барча белгилари аниқланган.

Далварзинтепада олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

Далварзинтепанинг майдони катта, яъни 25 гектар бўлиб, бу ўлчам ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижаси ҳисобланади.

Кўҳна шаҳарда мураккаб режавий тузилиш, учга бўлинган таркибий қисм ҳамда арк мавжуд эди.

Ёдгорликда мукамал мудофаа тартиби мавжуд бўлиб, кўҳна шаҳарнинг ҳар бир қисми алоҳида ҳимояланган эди. Булар орасида аркка алоҳида эътибор берилиб, у анча пухта ўйланган режа асосида мудофаа этилган.

Далварзинтепада ҳунармандчиликнинг турли соҳалари-кулолчилик, металл, тош ва суякка ишлов бериш қабилар нисбатан яхши ривожланган.¹

Юқорида келтириб ўтилган белгилар Далварзинтепани илк шаҳар кўринишидаги ёдгорлик деб таърифлаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади. Демак, Далварзинтепа мил. авв. II минг йилликнинг сўнгги чорагидан бошлаб маълум муддат Фарғона водийсининг йирик маданий ва иқтисодий маркази бўлиб хизмат қилган. Ундан ташқари, водийда суғорма

¹ Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.-Т.,2008

деҳқончиликнинг жадаллик билан ривожланиши урбанизация жараёнларининг тезлашувига олиб келди ва натижада ўтrock деҳқончилик маданияти ёйилган чегаралар кенгайиб борди.

4. Сўғдиёна ва Хоразмда илк темир даври шаҳарсозлиги.

Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини ўз ичига олган қадимги Сўғдиёна ва унга қўшни бўлган Бактрия ҳудудларида дастлабки шаҳарларнинг тарихий-маданий асоси бўлган ўтrock деҳқончилик маданияти Жанубий Туркманистон ва Афғонистондаги қадимги деҳқончилик марказлари билан узвий боғлиқ равишда ривожланиб борди. Чунончи, Зарафшоннинг юқори оқимларида очилган Саразм манзилгоҳининг энг пастки қатлами топилмалари Геоксюр I топилмаларига жуда ўхшаш эканлиги энеолит давридаёқ Сўғдиёнанинг тоғ олди ҳудудлари қадимги деҳқончилик ўчоғларидан бири эканлигининг далилидир.

М. Исомиддинов Сўғдиёнада, хусусан Самарқанд Сўғди ҳудудларида илк давлат уюшмалари ва шаҳарлар шаклланишида қуйидаги йирик омиллар шубҳасиз етакчи рол ўйнаганлигини таъкидлайди:

1. Ҳосилдор ерлар, серсув тоғ дарёлари ва илиқ иқлим шароити.
2. Юқори даражада ривожланган деҳқончилик ва ҳунармандчилик
3. Металл-маъдан асосларининг мавжудлиги.
4. Воҳанинг қулай савдо йўллари устида жойлашганлиги.
5. Кўчманчи дашт ҳудудлар билан қўшничилик.¹

Илк темир даврига келиб эса Сўғдиёнанинг Ҳисор тоғ олди тизмаларида, Қашқадарёнинг юқори оқимида ва Қарши воҳасида шаҳарсозлик маданиятининг узлуксиз шаклланиш жараёнларини кузатишимиз мумкин. «Авесто» матнларидаги муқаддас Суғуданинг маркази Самарқанд Сўғди эди. Унинг пойтахти Самарқанд Зарафшон воҳасида жойлашган бўлиб, ушбу қадим вилоят ва унинг кўҳна шаҳарлари ғарб, Россия ва ўзбек

¹ Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.-Т.,2008

шаркшунослари ҳамда археологлари тадқиқотларининг диққат марказида турган. Тадқиқий тасаввурлар нуқтаи назаридан бу ҳудудларни археологик ва ёзма манбалар таҳлили асосида нисбатан тўлиқ ўрганиш М.Х.Исомиддинов томонидан амалга оширилган бўлиб, бу олимнинг асосий эътибори Афросиёб, Кўктепа ва Ерқўрғон кўҳна шаҳарларига қаратилади.

Улардан энг йириги бўлган Афросиёб, қадим Самарқанд кўҳна шаҳри ҳозирги Самарқанднинг шимолий қисмида тепаликлар кўринишида жойлашган бўлиб нотўғри юраксимон (сердцевидной) шаклдаги 220га майдонни эгаллаган.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўҳна шаҳарнинг хронологияси, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихига кўпгина аниқликлар киритилди. Афросиёбда узоқ йиллар тадқиқот ишлари олиб борган М.Х.Исомиддинов киёсий таҳлиллар асосида Афр Об қатламларини мил.авв. VIII-VI асрнинг бошлари билан, Афр 1а қатламларини эса мил.авв. VII-VI асрнинг биринчи ярми билан саналади. Кўҳна шаҳарни ўраб турган қалъа девори мил. авв. VII-VI асрларда бунёд этилади. Бу даврда олиб борилган бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳар олди ҳудудлари кенгайиб, кўҳна шаҳар бир неча қисмларга бўлинади. Шаҳарнинг бир қисмини мустаҳкам қўрғон, бошқа бир қисмларини эса қалъа деворлари билан ўралган сарой мажмуи, савдо-хунармандчилик маҳаллалари ташкил этади. Кўҳна шаҳар атрофида шаҳар олди таянч иншоотларидан ташқари (Лолазор) йирик ер эгаларининг уй-қўрғонлари ҳам пайдо бўлади. Буларнинг барчаси Сўғдиёна давлатчилигида Афросиёб муҳим аҳамиятга эга бўлганлигидан ҳамда қадимги Сўғд даври Афросиёбнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлганлигидан далолат беради.

Бухоро шаҳри ва Бухоро воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш-қадимги Сўғдиёна энеолит ва бронза давридан бошлаб бобо деҳқонлар макони бўлганлигини кўрсатади. Улар, авваламбор Зарафшоннинг юқори оқимидаги Саразм маданияти билан, қўйи Зарафшондан топилган Замонбобо маданиятларидир. Бу маданият соҳиблари Бухоро воҳасида илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди ҳамда илк темир даврига келиб мана шу қадимий маданиятлар асосида Бухоро воҳасида ўзида шаҳарсозлик белгиларини мужассамлаштирган манзилгоҳлар пайдо бўлди ва ривожланди. Хусусан, воҳада топиб ўрганилган кўпгина манзилгоҳлар мустаҳкам деворлар билан ўралган бўлиб, уларда ихтисос-лашган уй хунармандчилиги ва ўтроқ деҳқончилик

хўжалиги мавжуд эди. Мил. авв. V-IV асрларга келиб эса ҳозирги Бухоро атрофлари ва ўрнида шаҳарсозлик маданияти ривожланганлиги изларини кузатиш мумкин.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар Қашқадарё воҳаси (Жанубий Сўғд) қадимги шаҳарларини ўрганиш масалаларига ҳам кўпгина аниқликлар киритди. Асримизнинг 60-йилларида М.Е.Массон Ерқўрғон кўҳна шаҳрида тадқиқот ишлари олиб бориб унинг йирик кўҳна шаҳар эканлиги, бир неча маданий қатламлар ривожланиш жараёнидан далолат беришини таъкидласа ҳам, унинг шаклланиши ва ривожланиши дастлабки босқичдаги аниқ санасини бермаган. Кейинги тадқиқотлар эса Ерқўрғон кўҳна шаҳрининг шаклланиши ва ривожланиши, шаҳарсозликнинг пайдо бўлиши, моддий маданият ва иқтисодий тарихи, хронология ва даврлаштириш масалаларига кўпгина аниқликлар киритиш имконини берди.

Ерқўрғон икки қатор мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўралган бўлиб, ташқи деворнинг ҳудуди 150 гектарга яқин, ички деворнинг ҳудуди эса 40 гектарга яқин. Мил. авв. IX-VIII асрларда Ерқўрғон ўрнида ўтроқ аҳоли манзилгоҳи пайдо бўлади. Сўнгги маълумотларга кўра у мудофаа иншоотлари билан муҳофаза этилган бўлиши мумкин. Ерқўрғон қазилмаларининг кўпқатламлилиги милоддан аввалги VII-VI асрларда кўҳна шаҳар ҳудуди жадаллик билан ўзлаштирилиб борилганидан далолат беради.

Ерқўрғоннинг ижтимоий-ўтроқлашиш ривожланиши унинг суғориш тармоқлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Типологик классификация ва статистик маълумотларнинг таҳлилига қараганда, яшаш маконлари ўз ўлчамларига кўра иерархик тизим остида тарқалган ва ушбу қадимги Сўғдиёна жамоаси тизимининг энг чўқ-қисиди Ерқўрғон кўҳна шаҳри турган. Шунингдек, маҳаллий аҳамиятга молик бўлган кичик шаҳарлар ҳам мавжуд бўлган.

Ерқўрғон топилмалари ҳамда бу ерда очилган ҳоким саройи, шаҳар иботхонаси, дахма ва мақбараларни бошқа ҳудудлардаги топилмалар билан солиштириб ва қиёслаб шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимги Сўғд шаҳарлари меъморчилиги - қадимги Шарқ шаҳарсозлигининг кўплаб усуллари, хусусан қўшни Бақтрия ва Марғиёнанинг бронза ва илк темир асрига оид бой бунёдкорлик мероси билан уйғунлашиб, ўзига хос йўналишда давом этади.

Сўнгги йилларга қадар Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳар маданиятининг шаклланиши милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталари деб келинар эди. Асослари неолит ва энеолит даврларига бориб тақаладиган Сўғдиёна шаҳарсозлиги милоддан аввалги I

минг йилликнинг биринчи чорагидаёқ шакллана бошлайди. Афросиёб, Кўктепа, Ерқўрғон, Узункир каби кўҳна шаҳарлар мил. авв. I минг йиллик ўрталарида мустаҳкам муҳофаа иншоотларига эга эди. Тадқиқотлар натижаларига қараганда уларнинг ёши 27 асрдан кам эмас. Бу кўҳна шаҳарлар юқори даражада ривожланиб кўп ҳолларда деҳқончиликка асосланган воҳаларда шаклланди ва тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Шунингдек, бу кўҳна шаҳарларда ҳунармандчилик, ўзаро алмашинув ва савдо-сотиқ гуркираб ривожланади. Хуллас, Сўғдиёна Ўзбекистонда дастлабки шаҳарсозлик маданияти пайдо бўлган ҳудудлардан бири дейишга жиддий илмий асослар бор.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб Жанубий Оролбўйида ҳам суғориш тартиби мавжуд бўлиб, бу ҳудудлардаги қабилаларнинг бир қисми асосан деҳқончилик хўжалиги юритганлар. Бу ердаги хўжалик тартибининг тузилиши жанубий ҳудудлардаги суғориш тизимини эслатса-да, ўлчамлари жиҳатдан анча кичик. Бу даврда уруғдошларнинг қишлоқлари бўлиши мумкин бўлган манзилгоҳларнинг майдонлари кенгайганлиги кузатилади. Бу манзилгоҳларда катта оилалар яшаган бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида хўжалик вазифалари, жумладан, суғориш тармоқларини сақлаш ва ривожлантириш билан шуғулланганлар.

Сўнгги бронза даврида ҳам қадимги Хоразм хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири чорвачилик хўжалиги эди. Бу даврга оид маконлардан жуда кўплаб турли ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топиб ўрганилган. Чорвачилик хўжалигида от асосий ўринда бўлиб улардан юк ташиш ва сафарга чиқишда фойдаланилган. Айрим манзилгоҳлардан от анжомларининг топилиши шу жараёндан далолат беради. Ўтроқ деҳқончилик қабилаларининг чорвачилиги уй чорвачилиги хусусиятига эга эди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Орол бўйидаги хўжалиги асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган қабилалар ўртасида фарқлар шакллана бошлайди. Мил. авв. VII-VI асрларга келиб эса, улар маданияти ўртасида кескин фарқланиш сезилади. Фикримизча, айнан мана шу даврдан бошлаб, Шарқий Орол бўйида ярим кўчманчи чорвадор хўжалик маданий шакли устунлик қилган бўлса, Амударёнинг жанубий ўзанларида эса юқори даражадаги сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик хўжаликлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Мил. авв. I минг йилликнинг бошларида Орол бўйида ҳунармандчилик ажралиб чиқишининг дастлабки белгилари кузатилади. Ортиқча маҳсулотнинг кўпайиши эса мулкӣ ва ижтимоӣ табақаланиш учун имкониятлар яратади.

М.М.Мамбетуллаев Хоразм ҳудудларида шаҳар тараққиётини қуйидаги хронологик босқичларга бўлиш мумкинлигини таклиф этади:

а) аҳмонийларгача бўлган давр ёки илк темир асри шаҳарлари (мил.авв. VII-VI аср ўрталаригача - Кўзалиқир);

б) аҳмонийлар даври шаҳарлари (мил.авв. VI аср ўрталари V аср - Қалъалиқир);

в) илк антик давр шаҳарлари (мил.авв. V аср охири-III аср-Хазорасп, Бозорқалъа, Улли Гулдурсун, Қозоқлиётган ва бошқ.);

г) эталон археологик мажмуалари ўтиш даври шаҳарлари (мил.авв. II аср – мил.авв. I аср – Хоразмда ҳозиргача йўқ.);

д) «Кушон» даври ёки сўнгги антик давр шаҳарлари (II-IV асрлар - Тупрокқалъа)¹

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи чорагига келиб қадимги Хоразм ҳудудларида суғорма деҳқончиликнинг тараққий этиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида ибтидоий жамоа муносабатлари ўрнига давлатчилик тизими шакллана бошлайди. Ушбу тизимнинг шаклланишида қадимги шаҳарларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Аммо, таъкидлаш жоизки, Хоразм кўҳна шаҳарлари орасида энг дастлабки пойтахт қайси шаҳар эканлиги ҳозиргача аниқ эмас. Тадқиқотлар натижаларига кўра, қадимги Хоразм шаҳарларининг режавий услублари – ички ва ташқи тузилиши, ҳимоя иншоотлари, табиий жойлашуви нуқтаи назаридан кўп ҳолларда бир-бири билан ўхшашлик топади. Тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган Хоразмнинг энг қадимги шаҳар-қалъаларидан бири бўлган Кўзалиқирнинг шаклланиши мил. авв. VII-V ёки VII-IV асрларга оиддир.

Қадимги Хоразм шаҳарлари такомиллашган муҳофаа тизимига эга бўлиб, кўҳна шаҳарлардаги аввалдан пухта ўйланган режавий услуб, меъморчилик кўринишидаги ўзига хос хусусиятлар ҳамда мукаммал муҳофаа тизими - Қадимги Хоразм шаҳарлари бунёд этилишида аниқ фанлар натижаларидан кенг фойдаланилганидан далолат беради. Шунингдек, қадимги Хоразмнинг катта-кичик кўҳна шаҳарлари, ривожланган, ҳунармандчилик, йирик суғориш иншоотлари-ишлаб чиқарувчи ҳўжаликларнинг маълум ҳудудларда марказлашганлигини ва бу ҳудудларда ўзбек давлатчилигининг кўпгина белгилари мавжудлигини кўрсатади.

¹ Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.-Т.,2008

Хулоса

Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари ҳақидаги ягона концепция ҳозирги кунга қадар яратилмаганини ҳисобга олиб **шаҳарлар тарихини ўрганишдаги** қуйидаги таклифларни илмий муомалага киритишни лозим топдик:

1. Шаҳарлар цивилизациянинг энг юқори кўриниши бўлганлиги туфайли даставвал жамият тараққиётининг цивилизацион кўриниши ва босқичларига асосий эътибор бериш лозим.

2. Кейинги босқичда «илк шаҳар» тушунчасининг илмий изоҳланиши, илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш асослари, илк шаҳарларнинг асосий белгилари ва ниҳоят илк шаҳарларнинг бажарган вазифалари масалалари кўтарилиши лозим.

3. Илк шаҳарлар пайдо бўлган давр хронологияси ниҳоятда муҳим ва ўта жиддий илмий тадқиқотлар талаб этадиган масала бўлиб бу жараёнда мавжуд маълумотлардаги солиштириш ва қиёсий таққослашни илмий асосда амалга ошириш лозим бўлади. Айниқса, дунё тарихидаги илк шаҳарсозлик маданияти марказлари билан қиёсий таҳлил масалага кўпгина ойдинликлар киритади.

4. Ҳар бир тарихий даврда ўша давр тарихий-маданий жараёнлари, ўзига хос хусусиятлари ва тараққиётдан келиб чиқиб ўзига хос «шаҳар» тушунчалари бўлади. Бу ўринда шаҳарларнинг пойтахт шаҳар ёки марказий шаҳар сифатидаги мавқеига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, шаҳар илк давлатчиликнинг энг муҳим ва асосий белгиси ҳисобланиб, урбанизация ва давлатчилик пайдо бўлиш жараёнлари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда кечган.

5. Шаҳарларнинг жамият тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар бир ҳудуд, ўлка ёки вилоят ривожланиш босқичларини ўрганиш жараёнида шаҳарлар тараққиёти ва мавқеига алоҳида ўрин ва эътибор бериш, шаҳар билан қишлоқ ва атроф ҳудуд ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Умумий хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шаҳар – одамларнинг нисбатан қадимги ва шу билан бирга энг замонавий ҳудудий жойлашув шакли бўлиб, унинг тақдири ва гуллаб-яшнаши билан унда яшовчи ҳар бир фуқаро қизиқиши табиийдир. Шаҳарларнинг пайдо бўлиши, мавжудларининг ривожланиши атроф-муҳитнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлиб бу жараён ижтимоий тузум тараққиёти ва хусусиятини ўзида акс эттиради. Шунингдек, ҳар бир тарихий давр шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Шаҳар – бу инсон томонидан табиий яратилган ҳаётий зарурат бўлиб, унинг турли томонлама фаолият кўрсатиши учун ўта муҳимдир. Жамият тараққиёти натижасида шаҳар шаклланади, ривожланади ва кенгайиб боради. Шаҳар – меъморчилик ва қурилиш фаолиятининг нисбатан юқори ва мураккаб кўринишидир. Айнан шунинг учун ҳам шаҳарларнинг пайдо бўлиши меъморчилик иншоотларининг қад кўтариши билан бевосита боғлиқдир. Шаҳар – бу кўп режали, мураккаб тузилишга эга ҳудуд бўлиб бу ерда ишлаб чиқариш кучлари, маданий анъаналар, ихтисослашган хунармандчилик қабила марказлашади. Шаҳарларнинг тараққий этиши кўплаб омиллар, аввало, аҳолининг ўсиши ва унинг меҳнат фаолияти ҳамда турмуш тарзи билан бевосита боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т., «Шарқ», 1998.
2. Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. - Т. 2001.
3. Матбобаев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. //Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона. Маъруза матнлари. -Наманган. 2001. 23-40 бб.
4. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. -Т., 2001.
5. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. -Т., 1996.
6. Сагдуллаев А.С., Лушпенко О.Н. Кеш воҳасидаги энг қадимги шаҳар.//Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. 2-лавҳа. Т., 1998.
7. Сагдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т., 2000.
8. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. - Т.2003.
9. Эшов Б. Сўғдиёна тарихидан лавҳалар. - Т., 2002.
10. Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Т., 2004.
11. Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи.-Т.,2008